

Иордания халқаро аёллар Қуръон мусобақасида эронлик қория ғолиб бўлди



11:45 / 16.03.2019 1838

Иорданияда бўлиб ўтган XIV халқаро аёллар Қуръон мусобақасида, Эронлик қория Фотима хоним Шерозий ғолиб бўлди, деб хабар беради IQNA.

Хабарда айтилишича, мусобақада Судан, Ироқ, Миср, Индонезия, Сурия, Фатар ва Саудия Арабистонидан келган қориялар ҳам жуда фаол иштирок этганлар. Бироқ эронлик қория ўзининг шижоати ва саволларга хатосиз жавоб бериши билан ҳакамлар томонидан ғолиб деб баҳоланган.

Эслатиб ўтамиз, Иорданиянинг XIV халқаро аёллар Қуръон мусобақасида 35 давлатдан ташриф буюрган қориялар ўзаро куч синашди. Араб давлатлари ўртасидаги халқаро Қуръон мусобақаси Рамазон ойида бўлиб ўтади.

Islom.uz